

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШЕРНАЗАРОВ ИСКАНДАР ЭРГАШОВИЧ

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНТЕГРАЦИЯСИДА ОРГАНИК КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УДК: 376.1:371.66:542(575.1)

**Педагогика фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Шерназаров Искандар Эргашович

Ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар
интеграциясида органик кимё фанини ўқитиш методикасини
такомиллаштириш 3

Шерназаров Искандар Эргашович

Совершенствование методики преподавания органической
химии в интеграции информационно-коммуникационных
и педагогических технологий 23

Shernazarov Iskandar Ergashovich

Improving the methodology of teaching organic chemistry
in the integration of information and communication
and pedagogical technologies 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШЕРНАЗАРОВ ИСКАНДАР ЭРГАШОВИЧ

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНТЕГРАЦИЯСИДА ОРГАНИК КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped664 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуқодиров Абдуқаҳҳор Абдувакилевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бобоев Туйғун Мирзааҳмедович
кимё фанлари доктори, профессор

Шоймардонов Туймурод Турдиалиевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-71; факс: (+998) 71-246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “_____” _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

М.М.Арипов

илмий даража берувчи Илмий кенгаш
раиси, ф-м.ф.д., профессор

Д.М.Махмудова

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

М.Тўхтасинов

илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимё таълими соҳасини такомиллаштириш, замонавий ахборот ва педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, табиий фанларнинг замонавий ривожланиш тенденцияларига мос равишда уларни ўқитишнинг методик асосларини ишлаб чиқиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро ташкилотлардан бири бўлган CSR Asia ишлаб чиққан дастурда 2030 йилгача таълим сифатини ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) асосида ошириш¹ эътироф этилиб, унда ўқувчиларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлаш ва самарали ташкил этиш кўзда тутилган. АКТ соҳасидаги жадал ривожланиш маҳаллий ва халқаро миқёсда кадрларнинг ўзаро мулоқот қилиш ва истиқболда ўзаро қандай муносабатда бўлишларини тубдан ўзгартиради.

Дунё миқёсида илм-фан ва технология глобал ривожланишнинг асосий пойдеворига айланди. Иккала субъект ҳам ҳаёт сифатини яхшилашда давом этмоқда, чунки яратилаётган янги кашфиётлар илм-фан ва технологиялар асосида пайдо бўлади. «Органик кимё» фани илм-фан, технология ва табиий фанлар дунёсида муҳим роль ўйнаса-да, умумтаълим мактаб ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари томонидан ўзлаштирилишида ҳар доим қийинчиликларга дуч келинган. Умумтаълим мактаб ўқувчилари томонидан «Органик кимё» фанининг ўзлаштирилишида моддий-техника базани кучайтириш, ўқув-илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, виртуал лабораториялар асосида кимёвий тажрибаларнинг бажарилиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнида замонавий ахборот-технологияларидан самарали фойдаланиш амалий аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз ҳаётидаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар жамиятнинг юқори малакали, мустаҳкам ва чуқур билимли, ўз устида ишлайдиган, қобилиятли кадрларга бўлган талабига мос равишда амалга ошириладиган касбий таълимнинг табиий жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳозирги кунда янги ўсиб келаётган авлодни ўқитишда илғор педагогик технологияларни дарс жараёнларига татбиқ қилиш кескин ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «Хорижий тил, информатика, математика, физика, кимё, биология фанларини чуқур ўрганишга мўлжалланган дидактик материаллар ва мультимедиа маҳсулотларининг янги авлодлари тайёрлаш²» устувор вазифа қилиб белгиланди. Бу борада «Органик кимё» фанини академик лицейларда ўқитиш учун органик кимё реакцияларининг механизми,

¹ The role of ICT in realizing education for all by 2030 Achieving Sustainable Development Goal 4. – p. 1-46. <http://www.csr-asia.com/download/ICT4SDG4-Final-Version.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрельдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 06/19/5712/3034-сон.

фазовий тузилишларига оид амалий ҳамда лаборатория машғулотларини ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар интеграцияси асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва дидактик асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2829-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 28 майдаги «Умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этишда (қайта нашр этишда) рентабелликнинг чекланган даражасини белгилаш тўғрисида»ги 134-сонли ҳамда 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарорлари ва мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда кимё фанини ахборот технологиялари ва педагогик технологиялар асосида замонавий лаборатория хоналарида замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиб ўқитиш методикасини яратиш ҳамда илмий жиҳатдан асосланган ўқитишни такомиллаштириш бўйича кўпгина олимлар, жумладан, Л.А.Савченко, Michael Seery, Stephanie O'Brien, К.Б.Оралбаева, Л.А.Чернышева ва бошқаларнинг илмий изланишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Россияда таълим сифатини яхшилаш, ахборот ва педагогик технологиялар асосида ўқувчиларнинг кимё фанидан ўзлаштирган билимларини баҳолаш, фанни ўрганишда компьютер технологияларининг афзаллиги ҳамда замонавий ўқитишнинг самарали усулларини бирлаштириб ўқувчиларни ўқитишни жорий қилиш масалалари Е.О.Емельянова, Е.Ю.Защивалова, А.А. Сыромятников, В.Н.Лихачев, А.А.Подгорнова, А.С.Артемяева, О.Е.Горбунова, Н.С.Михайловалар каби олимларнинг илмий-услубий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда ўқув жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш борасида кўпгина олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Ахборот ва педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича М.М.Арипов, А.А.Абдуқодиров, А.Х.Абдуллаев, Н.В.Апатова, У.Ш.Бегимкулов, М.Лутфуллаев, Ж.О.Толипова, Д.Юнусовалар, кимё фанини ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиб ўқитиш бўйича эса Э.У.Эшчанов, Ф.А.Алимова, Л.Т.Зайлобов, Н.А.Анваровалар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларини қайд этиш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг А-1-141 «Олий таълим муассасалари педагоглари кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли веб-технология асосида электрон-ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Органик кимё» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришда ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар интеграцияси орқали таълим самарадорлиги ошириш ҳамда ишлаб чиқилган методик тавсияларни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

«Органик кимё» фанидан дастур, таклиф ва тавсиялар, дарслик ҳамда мавзуй илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш, реакция механизмларининг компьютер анимациялари, мавзуларга оид органик моддалар тузилишларининг 3D шаклдаги фазовий кўринишларини ишлаб чиқиш;

«Macromedia Flash Professional v8.0» дастурий таъминоти асосида «Органик кимё» фанидан электрон ўқув қўлланма яратиш, шунингдек, лаборатория жараёнларининг овозли видео намоишлари ҳамда анимацияларини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлайдиган, уларнинг фаолиятини, ўзлаштирган билимларини ўзи томонидан назорат қилиб борилишига имкон берадиган дидактик материаллар (қизиқарли мисол, масала, тест саволлари ва кроссвордлар) ишлаб чиқиш;

ўқувчи вақтини тежайдиган, машғулот самарасини оширадиган ўқув-услубий мажмуа яратиш ва ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кимё фани чуқурлаштириб ўқитиладиган академик лицейлардаги «Органик кимё» таълими жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қашқадарё вилояти Китоб тумани ҚМШИ қошидаги 3-сонли академик лицей, Самарқанд вилоятидаги Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейи табиий фанлар йўналиши, Хоразм вилояти Урганч давлат университети академик лицейи ҳамда Тошкент шаҳри Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейидан жами 488 нафар ўқувчилар жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети. Кимё фани чуқурлаштириб ўқитиладиган академик лицейларда ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар интеграциясида «Органик кимё» фанини ўқитиш методикасининг мазмун ва шаклини такомиллаштириш усул ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимё ўқитувчиларининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш; моделлаштириш, социометрик (анкета, тест) сўровнома ўтказиш; бевосита ва билвосита педагогик кузатув; қиёслаш; педагогик тажриба-синов; математик статистика усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қўйидагилардан иборат:

«Органик кимё» фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш алгоритмини такомиллаштириш асосида ўқув маълумотларини виртуал лабораториялар шароитида кўргазмали-образли тарзда ҳавола этишни технологиялаштириш методи такомиллаштирилган;

«Органик кимё» фани ўқув жараёнларига оид ўқув-методик таъминоти дастурий воситалар (мультимедиа иловалар, аудио ва видео) ҳамда амалий дастурларнинг дидактик имкониятлари мазмунини очиб бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлайдиган, фаолиятини, билимини узлуксиз ўзи томонидан назорат қилиб борилишига имкон берадиган дидактик материаллар (креатив фикрлашга оид мисол ва масалалар, тестлар ва кроссвордлар) табиий-илмий саводхонлик даражасига қўйиладиган талаблар (англаш, тушуниш, амалиётга татбиқ этиш) асосида ишлаб чиқилган;

«Органик кимё» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш мақсадида ўқув методик мажмуа (ўқувчи вақтини тежайдиган, машғулот самарасини оширадиган) ҳамда органик моддалар таркибидаги кимёвий боғлар сони (топиш формулалари, фазовий кўринишлари)ни аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

академик лицейларда кимё таълимининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар интеграциясидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари ишлаб чиқилди;

органик кимё таълимининг самарадорлиги таълим мазмуни, ўқитиш методлари, воситалари ва шакллариининг узвийлигига боғлиқлиги асосланди;

«Органик кимё» фанини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари аниқланди;

ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари аниқланди, ушбу жараённинг мунтазамлигини амалга оширишда ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар интеграциясидан фойдаланиш объектив зарурат эканлиги асосланди;

табиий йўналишдаги академик лицейларда «Органик кимё» фанини ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган электрон қўлланма ва методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги табиий фанлар йўналишидаги академик лицейларда «Органик кимё» фанини ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга замин тайёрлайдиган электрон қўлланма, методик тавсиялар дидактика ва органик кимё ўқитиш методикаси соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги, ишда тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ҳамда тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий фанлар йўналишидаги академик лицейларда кимё таълимининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар интеграциясидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари, таълим самарадорлиги ва мазмуни, ўқитиш методлари, воситалари ҳамда шакллариининг узвийлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Органик кимё» фанини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари, ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма, малакаларни баҳолаш мезонларининг аниқланганлиги, табиий йўналишдаги академик лицейларда «Органик кимё» фанини ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган электрон қўлланма ва методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, кимё фани ўқитувчилари учун методик қўлланма чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот коммуникация ва педагогик технологиялар интеграциясида органик кимё фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

«Органик кимё»ни ўқитишнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш алгоритмини такомиллаштириш асосида ўқув маълумотларини виртуал лабораториялар шароитида кўргазмали-образли тарзда ҳавола этишга оид таклифларидан академик лицейларда «Органик кимё» фанининг Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 майдаги 89-03-2276-сон маълумотномаси). Мазкур таълим стандарти кимё фани бўйича ўқув режа ва дастурлари, ўқув методик материалларни интегрatív ёндашув асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

академик лицейларда «Органик кимё» фанини ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти виртуал ўқув муҳитини ташкил этиш имкониятларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлайдиган, фаолиятини, билимини узлуксиз ўзи томонидан назорат қилиб борилишига имкон берадиган дидактик материаллар табиий-илмий саводхонлик даражасига қўйиладиган талабларга оид таклифларидан ЁФ-7-05 рақамли «N-винил бирикмалар синтези учун наноструктурали катализаторлар шаклланишининг илмий асослари» (2014-2015 йй.) амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июндаги 89-03-2497-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг билимини, мустақил ишлаш имкониятларини, дунёқарашини шакллантиришга, ўз билимларини назорат қилиш, амалиётга жорий этиш ҳамда бошқа хизматлардан самарали фойдаланишга эришилган;

«Органик кимё» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш мақсадида ўқув методик мажмуа (ўқувчи вақтини тежайдиган, машғулот самарасини оширадиган) ҳамда органик моддалар таркибидаги кимёвий

боғлар сони (топиш формулалари, фазовий кўринишлари)ни аниқлаш методикасига оид таклиф ва тавсияларидан Ф7-13-ОТ-012420 рақамли «Ацетиленнинг гетероген ўзгаришлари учун маҳаллий хом ашёлар асосида катализаторлар ишлаб чиқаришнинг илмий асослари» (2012-2014 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 майдаги 89-03-2054-сон маълумотномаси). Натижада «Органик кимё» фанини ўқитиш жараёнида интерфаол машғулотларни ташкил этиш самарадорлигини оширишига ҳамда ўқувчиларда билим, амалий кўникма ва малакаларини ривожланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан 6 таси республика, 6 таси хорижий журналларда, 2 таси хориж халқаро конференцияси материалларида чоп этилган, шунингдек, 1 та электрон ўқув қўлланма, республикада бўлиб ўтган конференцияларда 7 та тезис, 1 та ўқув-услубий қўлланма ҳамда 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларини педагогик тажриба-синовдан ўтказиш, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Академик лицейларда «Органик кимё» фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг дидактик асослари**» деб номланган биринчи бобида «Органик кимё» фани таълими мазмунининг таркибий қисми бўлган фаолият турлари – кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган усулларни аниқлаш ва уларни бажариш, «Органик кимё» фанини ўқитиш бўйича ўқувчиларда шакллантирилиши зарур бўлган асосий кўникмалар аниқланган, шунингдек, хорижлик

ва юртимиз олимларининг кимё фанининг ўқитилиши бўйича олиб борган тадқиқотлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тадқиқот давомида академик лицейларнинг табиий фанлар йўналиши ўқувчиларида шакллантирилиши зарур бўлган ўқув қўлланма ва ахборот-коммуникация воситалари билан ишлаш, матн устида ишлаш, ақлий фаолият кўникмалари ҳамда таълим мазмунининг ижодий фаолият тажрибалари, қадриятлар тизими, ўқитиш жараёнида аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда ижодий қўллаш, бир сўз билан айтганда фаол ўқув-билиш фаолиятига қўйиладиган талаблар баён қилинган.

«Органик кимё» фанини ўқитишда ўқитувчи томонидан оғзаки баён методлари, кўргазмали методлар, амалий метод, муаммоли изланиш методларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши илмий-услубий жиҳатдан асосланган.

Академик лицей ўқувчиларида мустақил ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришда ўқитишнинг мантиқий методлари индуктив, дедуктив, таҳлил методлари асосида таҳлил қилинган. Кўникмаларни ривожлантиришда ўқитувчининг мантиқий метод таркибига кирувчи бош ғояни ажратиш методи, қиёслаш методи, ўқувчиларнинг фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришда далилларни умумлаштириш учун умумлаштириш методидан фойдаланиши тавсия этилган.

«Органик кимё» фанини ўқитишда ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишни орттириш учун дидактик-ўйин методи, ўқув мунозара методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. «Органик кимё» фани бўйича ўқувчилар микрооламда рўй берадиган кимёвий жараёнларни яхши ўзлаштириши ва уларни тасаввур қилишини таъминлаш учун ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар воситалари бўлган моделлар, анимациялар, слайдлар, видеороликлар намойиш этилиши зарур.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари»да таълим муассасаларини замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, академик лицейлар ахборот технологиялари воситалари билан тўлиқ таъминланган бир пайтда ўқитишнинг самарадорлигини ошириш учун ахборот технологияларини таълим-тарбия жараёнида қўллаш ҳозирги куннинг талабларидан бири эканлиги қайд этилган.

Кимёни ўқитишда фойдаланиладиган ахборот технологиялари қуйидаги: таълимий (ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини йўналтириш, кўргазмалилик, назорат), ривожлантирувчи, тарбиявий, илмий дунёқарашни ривожлантириш функцияларини бажариши аниқланди. Ўқувчиларда ўрганиладиган мавзу бўйича асосий ва қўшимча материаллар, асосий тушунча ва уларнинг изоҳлари, турли жадваллар, диаграмма, мураккаб илмий ва ишлаб чиқариш

характеридаги тажрибалар тўғрисида кенг қамровли билим олиш имконияти вужудга келди. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган электрон қўлланма (1-расм) ўқувчилар ўзларига керак бўлган барча билимларни ўрганиши учун замин тайёрлади.



1-расм. Электрон қўлланманинг кўриниши

Электрон қўлланманинг маърузалар қисмида академик лицейлар учун «Органик кимё» ўқув фани дастуридан ўрин олган барча ўқув материаллари жамланган бўлиб, ўқувчиларга мазкур материаллар, анимациялар ва такдимотларни ўзлаштириш, микрооламда юз бераётган жараёнлар ва органик моддаларнинг кимёвий таркибини тасаввур қилиш, лаборатория жараёнларини ўтказиш, уларнинг кимёвий формулалар билан тавсифланганини ёдда сақлаш ва зарурати бўлганда такрорлаш имконини беради.

«Органик кимё» фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўйидаги дидактик мақсадларни амалга оширишга замин тайёрлайди:

1. Ахборот технологиялари «Органик кимё» фанини ўқитишда кўзда тутилаётган таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни амалга оширишга имкон берадиган ўқув материални йиғиш, саралаш, унга дидактик ишлов бериш, тарқатиш ва таълим жараёнида фойдаланиш имконини беради.

2. Ҳар бир ўқувчида мавжуд иқтидор, ўқитишга бўлган эҳтиёж, қизиқиш ва ўқув мотивларига мос ҳолда тахсил олиш траекторияси, темпини белгилаш зарур ҳолларда ахборот дастурларидан такроран фойдаланиш имконини беради.

3. Ўқувчиларда мустақил, ижодий, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришга замин тайёрлайди.

4. Ўқув юртида амалга ошириш имкони бўлмаган ҳолларда (керакли жиҳозларсиз ўтказиладиган тажрибалар ўқувчилар соғлиги учун зарарли, узоқ давом этадиган, ишлаб чиқариш корхоналарининг технологияларини ўрганиш) тажрибаларни виртуал намоиш қилиш имконини беради.

5. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш, ўқув-билиш жараёнини фаоллаштириш ва ўқув мотивларини орттиришга замин тайёрлайди.

6. Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида тескари алоқа, яъни қисқа муддат ичида ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш имконияти вужудга келади.

Диссертациянинг «**Органик кимё» фанини ахборот ва педагогик технологиялари интеграциясида ўқитиш методикаси**» деб номланган иккинчи бобида ўқувчилар учун «Органик кимё» фани мавзуларидан бири – «Тўйинган углеводородлар» мавзусидаги органик моддалар кимёвий хоссаларини ифодаловчи анимациялаштирилган дарс ишланмалари «Macromedia Flash Professional v8.0, ChemDraw Ultra 10.0, Chem3D Ultra 10.0 ва Camtasia Studio 5 ҳамда CorelDRAW_X5_ru» дастурий воситалар асосида яратилган.

Тадқиқот давомида ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар интеграциясида «Органик кимё» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилди.

«Органик кимё» фанини ўқитишда компьютер технологиясидан фойдаланиш мезонлари қўйидагилардан иборат:

«Органик кимё» фанини ўқитишнинг биринчи босқичида модданинг фазовий ҳолатини тушунтириш учун атом-молекуляр тасаввурларнинг ролини кучайтириш;

«Органик кимё» фанини ўқитишнинг иккинчи босқичида ўқув материалларини танлаш ва ўқитишда асосий эътиборни органик моддаларнинг реакцияга киришиши, физик-кимёвий хоссалари, реакция механизмлари, уларнинг ишлатилиш соҳаларини умумлаштиришга қаратиш;

«Органик кимё» фанини ўқитишнинг учинчи босқичида эътиборни лаборатория жараёнларини умумлаштиришга қаратиш.


Ахборот технологиялари таълим воситаси сифатида қаралганда, интеллектуал меҳнат қуролига айланади ҳамда моделлаштириш, ахборотларни қайта ишлашни автоматлаштириш орқали ўқув меҳнатини енгиллаштиради.

«Органик кимё» фанини ўқитишда «Кейс», «Инсерт», «Кластер», «Венн диаграммаси», «Ақлий ҳужум», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Атамалар занжири», «Атамалар варағи», «Тезкор ўйинлар» каби педагогик технологиялардан фойдаланиш тавсия этилади.

«Органик кимё» фани таълимида дастур мазмунидаги органик моддаларнинг таркиби, тузилиши, изомерияси, олиниши, физик ва кимёвий хоссалари, ишлатилиши каби мунозарали мавзуларни ўқитишда «кейс-стади» методидан фойдаланиш мумкин.

«Органик кимё» фанини ўқитишда ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини тизимлаштириш, мустаҳкамлаш мақсадида Венн диаграммасидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Венн диаграммаси ўрганилаётган мавзудан ўрин олган далил, тушунча ва жараёнларни таҳлил қилиш, синтезлаш ва таққослашни талаб этади. «Органик кимё» фанидаги «Тўйинмаган углеводород»лар бобидаги мавзуларни ўқитишда Венн диаграммасидан фойдаланиш мумкин. Масалан, тўйинмаган углеводородлардан алкенлар, алкадиенлар ва алкинларнинг кимёвий хоссаларини таққослашда фойдаланиладиган Венн диаграммаси куйидаги кўринишда бўлиши мумкин (2-расм).



2-расм. Тўйинмаган углеводородлар юзасидан Венн диаграммаси

Юқорида ифодаланган расмда алкенлар, алкадиенлар ва алкинларнинг кимёвий хоссаларидан тўлиқ оксидланиш, галогенланиш ва гидрогенланиш реакциялари (уч турдаги моддалар учун) бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, уларни умумий реакциялар сифатида ўқувчиларга тушунтириш мумкин. Қолган реакциялар айнан кўрсатилган мавзулар учун хосдир.

Диссертациянинг «Органик кимё» фанини ахборот технологиялари воситасида ташкил этиш методикаси» номли бўлимида назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ахборот технологиялари ёрдамида ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган.

Масалан, **лаборатория машғулотини ўтказиш методикаси.**

Дарсинг мавзуси. Тўйинмаган углеводородларнинг энг оддий вакили этен, ацетиленларнинг лабораторияда олиниши ва хоссаларини ўрганиш.

Таълимий мақсад. Ўқувчиларни тўйинмаган углеводородларнинг олиниши ва хоссалари билан таништириш.

Тарбиявий мақсад. Тўйинмаган углеводородларнинг олиниши ва хоссаларини ўрганиш билан ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, уларда кимёга қизиқиш уйғотиш, иқтисодий тарбия бериш.

Ривожлантирувчи мақсад. Тўйинмаган углеводородларнинг олиниши ва хоссаларини ўрганиш учун зарур лаборатория жараёнларини ўқувчиларга етказиш мақсадида тегишли анимацион моделлардан фойдаланиш орқали дарс ўқув материалларини пухта ўзлаштириш ҳамда дарслик устида мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Дарсни жиҳозлаш. Лаборатория жиҳозлари, реактивлар ифодаланган анимацион моделлар, компьютер, видеопроектор.

Дарсда фойдаланиладиган технология. Кичик гуруҳларда ахборот технологиялари воситасида ишлаш технологияси.

Дарсинг бориши.

- I. Ташкилий қисм.
- II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини текшириш ва баҳолаш.
- III. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.
- IV. Янги мавзунини ўрганиш:

Режа:

1. Ўқувчиларни тўйинмаган углеводород вакиллари – этилен ва ацетиленларнинг олиниши ва хоссалари билан назарий таништириш.
2. Лаборатория ишини бажариш учун мўлжалланган жиҳозлар билан танишиш.
3. Метаннинг лаборатория шароитида олинишини анимацион модел орқали тушунтириш.
4. Лаборатория шароитида метаннинг хоссаларини анимацион модел орқали тушунтириш.

Топшириқнинг дидактик мақсади. Тўйинмаган углеводородларнинг вакиллари – этен ва ацетиленнинг лабораторияда олиниши ва хоссалари асосида тегишли топшириқларни бажариб, уларнинг кимёвий маъно ва моҳиятини ўрганиш.

«Органик кимё» фанига мўлжалланган тажрибаларни академик лицей лабораториясида бажариш ҳозирги кунда бир қанча муаммоларга эга бўлиб, лаборатория хоналарининг талаб даражасида жиҳозланмаганлиги; лаборатория мўрили шкафларининг ишчи ҳолатда эмаслиги; органик реактивларнинг яроқлилиқ муддати ўтиб кетганлиги; тажрибаларни бажаришда реактивлар етишмаслиги ҳамда ўқувчиларнинг хавфсизлиги таъминланмаганлигини айтиш мумкин.

«Органик кимё» фанидаги лаборатория жараёнларини ахборот технологиялар ёрдамида бажаришнинг афзаллик томонлари қўйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига қизиқиши ортади;

ўқув ахборотларини қабул қилиш, тўплаш, узатиш, хотирага олиш ва қайта ишлаш ишларини бошқариш имкониятлари туғилади;

ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмалари шаклланиб, таълимнинг кейинги босқичларида уларда ахборот технологияларини қўллаш эҳтиёжи кучаяди;

ахборот технологиялари ёрдамида амалий ишларни текшириб кўриш, бошқача айтганда, «тесқари алоқа»ни тез ва аниқ амалга ошириш имкони туғилади, масала ечиш йўллари кенгаяди, ишларни умумлаштириш кўникмалари шаклланади;

лаборатория жараёни хавфсиз;

лаборатория жараёнларини рангли тасвирда яққол кўриш мумкин;

лаборатория тажрибасини такроран кўриб тўлиқ тушуниш мумкин;

ўқувчи тажрибани тўғри ёки нотўғри бажараётганлиги ва унинг оқибатларини кўриб тасаввур қилиши тўлиқ таъминланади.

Анъанавий усулда лаборатория жараёнларини бажариш учун ўқувчилар лаборатория матнини ўрганишлари билан бирга бажарилиш тартибини назарий ўрганган бўлишлари шарт. Ахборот технологиялари ёрдамида лаборатория жараёнларини бажариш олдиндан тайёрланган анимациялар орқали ўқувчиларга тушунтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, компьютер инсоннинг ахборотни қабул қилиш, хотирага олиш, тасаввур қилиш, фикрлаш жараёнлари орқали амалга ошириладиган қобилиятларини, яъни интеллектини ривожлантириш воситаси сифатида катта имкониятларни очиб беради. Шунинг учун «Органик кимё» фани бўйича лаборатория машғулотларини бир қанча дастурлардан («Macromedia Flash Professional» v8.0, ChemDraw Ultra 10.0, Chem3D Ultra 10.0 ва «Camtasia Studio 5») фойдаланиб тайёрланган анимацион ҳамда аудиовизуал кўринишлар орқали тушунтиришга ҳаракат қилиш мумкин. Бу тажрибани бажариш учун компьютер, видеопроектор ёки телевизор, лаборатория учун тайёрланган анимациялар керак бўлади.

Лаборатория ишининг бажарилиши:

Тўйинмаган углеводородлар вакилларида бири бўлган этиленнинг этил спиртдан олинишига бромли сув ва калий перманганат эритмаси таъсири тажрибасини ахборот технологиялари ёрдамида тушунтиришда «Macromedia Flash Professional v8.0, ChemDraw Ultra 10.0, Chem3D Ultra 10.0 ва Camtasia Studio 5 ҳамда CorelDRAW_X5_ru» дастурларидан фойдаланиш мумкин.

Лаборатория жараёнида идишларни «CorelDRAW_X5_ru» дастури асосида чизиш ҳамда «Macromedia Flash Professional v8.0» дастури орқали уларнинг ҳаракатлантириш мумкин. Ўқувчиларга лаборатория машғулотларининг видео кўринишини «Camtasia Studio 5», уларнинг фазовий ҳолатлари ва ҳаракатланишини «ChemDraw Ultra 10.0, Chem3D Ultra 10.0» дастурлари ёрдамида тайёрлаш мумкин. Қўйида тўйинмаган углеводородлардан


бири этиленнинг лабораторияда олиниши ва хоссаларини ифодаловчи жараён тасвирларини келтириб ўтамиз (3–5-расмлар).

Юқорида кўрсатилган лаборатория жараёнларини тўйинмаган углеводородларга кирувчи ацетиленда ҳам бажариш мумкин.


V. Лаборатория тажрибалари юзасидан кичик гуруҳлар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси уюштириш.

VI. Ўқувчилар билимини саволлар ёрдамида текшириш, уларнинг билимларини баҳолаш.

VII. Янги мавзуни мустақамлаш ва яқунлаш.



3-расм. Этиленнинг олиниши



4-расм. Этиленнинг бромланиши



5-расм. Этиленнинг калий перманганат билан реакцияси

Мавзуга оид саволлар берилди. Электрон ўқув қўлланманинг лаборатория ишлари бўлимидаги (*Elektron o'quv qo'llanma\laboratoriya\2-Labartor_anim2.swf*) лаборатория тажрибаси умумлаштирилган мультимедиясини диққат билан кузатиб, тўйинмаган углеводородлар бошқа вакилларининг олиниши ва хоссаларини ўрганиш.

VIII. Уйга вазифа бериш. Берилган маълумотларни синчковлик билан ўқиб, лаборатория жараёнларини хотирада сақлаш.

Академик лицейларда «Органик кимё» фанини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларидан уйғун фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, лаборатория жараёнларини анимацион кўриниш орқали тушунтириш фанга бўлган қизиқишни орттириш ва лаборатория жараёнларининг хавфсизлигини тўлақонли таъминлаш орқали кимё таълими самарадорлигини оширишга имкон берди.

Ўқувчиларнинг турли суратларни бўйлаб ҳамда улардаги рангларни фарқлаш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда мустақил иш учун органик моддаларни тушунтиришда ахборот технологиялари ва математик амаллардан фойдаланиб, моддаларнинг фазовий кўринишини рангли тасвир ва анимациялардан фойдаланган ҳолда органик моддалар таркибидаги кимёвий боғлар сонини аниқлашнинг энг содда усули ишлаб чиқилди.

Бунда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги оддий формулардан фойдаланамиз:

$$A = (x \cdot V_x + y \cdot V_y + z \cdot V_z) / 2 \quad (1)$$

Бу ерда: x , y ва z – органик модда таркибидаги элемент атомлари;

V_x , V_y ва V_z – элементларнинг валентликлари;

A – органик модда таркибидаги барча боғлар сони.

Очиқ занжирли органик моддалар таркибидаги δ -боғлар сонини топиш учун

$$\delta = (x + y + z) - 1 \quad (2)$$

ифодадан фойдаланилади.

Бу ерда: x , y ва z – органик модда таркибидаги элемент атомлари;

δ – боғлар сони.

Циклик бирикмалар учун

$$\delta = (x + y + z) \quad (3)$$

формуладан фойдаланилади.

Гетероциклик бирикмаларнинг вакиллари – индол, хинолин, пурин ҳосилалари ва шунга ўхшаш моддалар учун эса, формула қуйидагича бўлади:

$$\delta = (x + y + z) + 1 \quad (4)$$

Бу ерда: x , y ва z – органик модда таркибидаги элемент атомлари; δ – боғлар сони.

Органик моддалар таркибидаги π – боғлар сонини топиш формуласи

$$\pi = A - \delta \quad (5).$$

Бу ерда: A – барча боғлар сони;

δ – боғлар сони;

π – боғлар сони.

1-мисол. Тўйинган углеводородлардан нормал бутан (C_4H_{10}) таркибидаги δ – ва π – боғлар сонлари аниқлансин.

Ечиш. Органик моддаларда углерод 4 валентлик, водород эса 1 валентлик эканлигини билган ҳолда барча боғлар сони (1) га асосан аниқланса, қуйидагига эга бўламиз:


$$A = (4 \cdot 4 + 1 \cdot 10) / 2 = 13$$

